

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т. Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқи асосида

УДК:

АБДУЛЛАЕВА ШАҲНОЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ЎСПИРИНЛАРНИНГ ТАРБИЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА ХУЛҚИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи»

Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2005

Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтида бажарилган
Илмий маслаҳатчи: п.ф.д., проф. Х. И. ИБРАГИМОВ

Расмий оппонентлар:

педагогика фанлари доктори,
профессор Ж. Й. Ҳасанбоев

педагогика фанлари доктори,
профессор У. Маҳкамов

психология фанлари доктори,
профессор Э. Ғозиев

Етакчи ташкилот: Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси 2005 йил «-----»
-----соат «-----»да Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги педагогика фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д. 113.20.01-

Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси,
98-уй.

Диссертация билан Республика илмий педагогик кутубхонасида танишиш
мумкин.

Автореферат 2005 йил «-----» ----- да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
педагогика фанлари доктори,
профессор**

Э. О. ТУРДИҚУЛОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги ва ишланганлик даражаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсатида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш орқали таълим эҳтиёжларининг қондирилиши ҳар жиҳатдан ўқувчи-ёшларнинг қобилиятларини, имкониятларини, ўзига хос индивидуал хусусиятларини ўрганишни, йўналтиришни ва ривожлантиришни талаб этади. Ёш авлоднинг шаклланиш жараёнини, уларнинг ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасини ва тафаккур қобилиятини билмасдан туриб, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мушкул.

Абдулла Авлоний: «Агар педагогика инсонни ҳар томонлама тарбиялашни хоҳлар экан, унда инсонни ҳар томонлама ўрганиши зарур» деб бежиз айтмаган.

Педагогикада илгари етарлича эътибор берилмаган йўналиш-педагогик диагностика ва шахснинг маънавий қиёфасини социокоррекция, хусусан, ҳуқуқдаги нуқсонларни бартараф этиш масалалари бугунги кунда салмоқли аҳамиятга эга.

Бу йўналиш айниқса, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланишида, жамият аъзоларининг маънавий-маърифий ҳаётида пайдо бўлган муаммоларини ҳал этишда муҳимдир.

Ислом Каримовнинг: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли кучни тасаввур қиламан¹»(10,73) дейишида чуқур назарий ва илмий маъно бор.

Республикаимизнинг йирик педагог олимлари: Р.Ҳ. Жўраев, Р.Ғ. Сафарова, Х. И. Ибрагимов, У. Қ. Мусаевлар томонидан яратилган «Педагогика фани Концепцияси»да педагогика фани таълим-тарбия даражаси ҳамда шахснинг маънавий қиёфаси, уни социокоррекция қилиш йўллари ва қонуниятлари, инсоннинг ақлий-интеллектуал салоҳияти орасидаги

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1998, 73 б.

алоқадорликни ҳар томонлама ўрганиб, илмий жиҳатдан асослаб бериши кераклиги алоҳида таъкидланган. «Бунда педагогик диагностика ҳамда диагностиканинг асосий йўналишларидан бири-когнитив диагностика усулидан фойдаланиш кўзда тутилади»¹, деб алоҳида қайд этилади (67,8). Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўқув муассасаларидаги таълим-тарбиянинг таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этиш тақозо этилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишнинг илмий-назарий йўналишини белгилашда хорижий олимлардан: Карлхайнц Ингенкамп, Инго Хартман, Хегингер, Бахмайр(Германия); Большо, Бурк, Роллет, Ройлеке (Англия); Жорж Фишер, Жеймс Райс, Т.Стоун(Америка); А. В. Мудрик, В. Д. Семёнова, Г. Н. Филова, С. Д. Смирнов И. В. Дубровина, Й. Лангмейер, Г. М. Бреслав, Л. П. Фридман, Е. И. Рогов (Россия), ва тадқиқ қилинаётган муаммога дахлдор ўқув-услубий адабиётлар, республикаимиз олимлари: М. Қуროнов, Р. Сафарова, З. Қурбониёзова, О. Тўраева, Р. Мавлонова, В. Каримова, Х. И. Ибрагимов, О. Мусурмонова, О. Ҳасанбоева,

Э. О. Турдиқулов, К. Зарипов, Л. Махмудоваларнинг педагогик диагностикага оид тадқиқотлари, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари, қарашлари ўрганилди.

Шунингдек шахснинг маънавий-маърифий ривожланишига бағишланган илғор педагогик тажрибалар (Э. Шпрангер, К. Бюлер, А. Захаров, Л. П. Фридман, Э. Ғозиев, Р. Тошимов), таълимга тизимли ёндашув (Б.Ф. Ломов, В. В. Давидов, А. К. Маркова, Л. И. Айдарова), шахснинг когнитивистик тарбияси (Ж. Пиаже, Д. Бромлей, Ж. Биррер, Д. Б. Эльконин, А. Валлон), персонологик назариялар таълимоти(А. Маслоу, Ж. Келли, Л. Колберг), маърифатли, ишбилармон ва зиёли, эътиқоди кучли шахс тарбияси таълимоти (Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шақурий), ўқувчиларнинг маънавий тарбияси ва ривожлантирувчи таълим назарияси (Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Носир Фаробий, И.Г. Песталоцци, И. Ф. Гербарт, Ж. Дьюи, В.В. Рубцов, Л. В. Занков), тарбиявий таълим Концепцияси (Н. Леонтьев, Л. А. Карпенко, Г. К. Лозанов, Г. А.

¹ Педагогика Фани Концепцияси //Ж. Халқ таълими,-2004 №5.-Б.8.

Китайгородская, О. Мусурмонова, Р. Иноғомов, К. Тошмуродов, Ж. Ҳасанбоев) таҳлил этилди.

Ўспирин шахсининг маънавий қиёфасини диагностика қилиш масалалари муайян даражада таҳлил этилган бўлсада, бугунги кунга қадар узлуксиз таълим тизими қатнашчиларининг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашни таъминлайдиган яхлит назария ва амалиёи илмий тадқиқот мавзуси сифатида ҳанузгача ишланмаган.

Педагогик диагностиканинг жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришдаги аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб бериш, ёшларнинг маънавий қиёфаси, уни социокоррекция қилиш йўллари ва қонуниятлари, ақлий-интеллектуал салоҳияти орасидаги алоқадорликни аниқлаш, Республикамизда маънавий-маърифий ишларнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, таълим-тарбиявий босқичлариаро унинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлайдиган методикани яратиш бугунги кунда энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш орқали уларнинг хулқини коррекциялаш (девиант ҳамда деиқвент ва хулқидаги: ёлғончилик, сурбетлик, агрессивлик, жанжалкашлик, қатъиятсизлик, ўз сўзида тура олмаслик каби нуқсонларни бартараф этиш) йўллари, воситаларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Мавзуга оид педагогик, психологик, социологик, тарихий, ахлоқшунослик йўналишдаги манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

2. Ўспиринларнинг маънавий-маърифий соҳадаги билимлари, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, мотивацион сферасини, интеллектуал ривожланишлари ва қобилиятлари, оиладаги, маҳалладаги, гуруҳ ва ўқув муассасасидаги педагогик ва психологик муҳитни атрофлича ўрганиш.

3. Ёшларнинг тарбияланганлик даражасини ташхислайдиган ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялайдиган чет эл ва мамлакатимизда мавжуд бўлган методикаларни чуқур таҳлил этиш ва улардан амалда фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш.

4. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқида нуқсонларни коррекциялаш мазмуни, шакли, восита ва методларини ишлаб чиқиш

5. Ўспиринларнинг хулқидаги нуқсонлар (ёлғончилик, жанжалкашлик, агрессивлик, қатъиятсизлик каби)ни коррекциялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш, Педагогиканинг «Ижтимоий педагогика», «Оила педагогикаси» соҳаларини бойитувчи материаллар олиш ва улар асосида методик мажмуалар яратиш.

Тадқиқот концепцияси: Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилишда ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашда ақлий-интеллектуал ва тарбияланганлик даражаси орасидаги алоқадорликни аниқлашда халқ педагогикаси тажрибаларини замон талаблари билан ўйғунлаштириш, таълим-тарбия тизимини қулайлаштириш, комил инсонга хос бўлган фазилатларни шакллантиришга қаратилган миллий қадриятлар ва илғор методикалар узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини ўстиришда муҳим йўналиш сифатида тадқиқот ишининг концептуал асоси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти: Ўспиринларни диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш орқали уларда ахлоқий фазилатлар: меҳрибонлик, тўғрисўзлик, адолатпарварлик, матонат, шижоаткорлик, хушмуомалалик ва шу каби ҳислатларни ўстириш жараёни.

Тадқиқот предмети: Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш йўллари, шакллари.

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари қўйидаги фаразни илгари суришга асос бўлади: ўспиринларнинг хулқидаги нуқсонларни бартараф этиш қўйидаги педагогик вазифалар амалга оширилганда ижобий кечади:

-*биринчидан*, ўспирин-ёшларнинг маънавий-маърифий соҳадаги билимлари, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, мотивацион сфераси атрофлича ўрганилиб чиқилганда;

-*иккинчидан*, ёшларнинг тарбияланганлик даражасини ташхислайдиган ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялайдиган чет эл ва мамлакатимизда мавжуд

бўлган методикалар чуқур таҳлил этилиб, улардан амалда фойдаланиш тизими ишлаб чиқилганда;

- *учинчидан*, ёшлар учун яхлит узлуксиз тарбия тизимини таъминлайдиган методик мажмуалар ишлаб чиқилганда;

- *тўртинчидан*, турли тарбиявий тадбирлар: суҳбатлар, кечалар, тренинглар, спорт-шоулари, маънавий-маърифий соҳадаги беллашувлар уюштирилиб, ўқувчи-ёшларнинг имконияти, қизиқишлари, ўспиринлик ривожланиш босқичлари, жинси инобатга олинган ҳолда турли жамиятларга, клубларга, тўғаракларга жалб қилинганларида;

- *бешинчидан*, ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал ривожланишлари ва қобилиятлари, оиладаги, маҳалладаги, гуруҳ ва ўқув муассасасидаги педагогик ва психологик муҳит атрофлича ўрганилганда, олий ва ўрта таълим мактаблари ва оила ҳамкорлиги ривожлантирилганда;

- *олтинчидан*, ижтимоий педагог нуфузи ва имтиёзлари юқори даражага кўтарилганда;

- *еттинчидан*, барча давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ижтимоий педагог ишчи жойи жорий қилиниб, уларнинг кенг қамровли махсус дастур ва режа асосида фаолият кўрсатишлари учун қулай имкониятлар яратилганда, педагогик диагностика ва коррекциялаш марказлари ташкил қилинганда.

Тадқиқот методлари:

1. Педагогик-психологик (суҳбат, кузатиш, қиёслаш, ёшлар жамоасини, таълим масканлари ҳужжатларини таҳлил қилиш;
2. Оилалардаги муҳитни аниқлаш, гуруҳлардаги микромуҳитни ўрганиш ва ҳ.к.);
3. Социологик (сўровнома, тестлар, интервью, социометрия);
4. Эксперимент-тажриба методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот доирасида тегишли маълумотлар олишга хизмат қилувчи «Тарбия даражасини педагогик ташҳис қилиш ва коррекциялаш» сўровномаси ишлаб чиқилди. Бунда асос сифатида Г. Бройернинг «Коррекцион диагностика»си ҳамда Г. Маттеснинг «Ўқув фаолиятини ташҳислаш ва коррекциялаш» методикаларидан фойдаланилди. Ўқувчи-ёшларда ахлоқий тарбияни шакллантиришга қаратилган комплекс топшириқлар тизими синовдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган асарлари, нутқ ва маърузаларида илгари сурилган маънавий-маърифий муаммоларга доир илмий педагогик, психологик, методик ёндашувлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Педагогика фани Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг таълим тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий тарбияга оид таълимотлари, Шарқ ва Ғарб педагогикасидаги назарий ёндашувлар, ахлоқ, эстетика, таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалар, замонавий методология, педагогика, психология ва методика соҳасидаги илғор ғоялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- муаммо яхлит педагогик тизим тарзида тадқиқ этилди;
- таълим босқичларида ёшларнинг умумий тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш ўспирин-ёшларнинг ривожланиш босқичлари бўйича изчил равишда илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилди;
- жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда педагогика, ижтимоий педагогика соҳаларини бойитувчи материаллар олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот давомида амалга оширилган махсус адабиётлар шарҳи ва олинган натижалар асосида илгари сурилган назарий ғоялар, чиқарилган илмий хулосалар ижтимоий педагогика, оила педагогикаси соҳаларидаги билимларни бойитишга хизмат қилади. Педагогик ташҳислаш ва коррекциялаш марказлари фаолиятида, маҳаллаларда ва бевосита ўспиринлар тарбияси билан боғлиқ бўлган мутасадди ходимлари ва ижтимоий педагоглар фаолиятида, олий, ўрта махсус таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида, ўқув гуруҳларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда унумли фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши ва маъқулланганлиги: тадқиқот натижалари юзасидан Навоий давлат педагогика институти, Низомий номидаги ТДПУ, Бухоро давлат университети кафедра йиғилишларида, Самарқанд давлат педагогика университети, Т.Н. Кори Ниёзий

номидаги ЎзПФИТИ методологик семинарларида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари Халқаро миқёсдаги Болгария давлатининг Варна, Қозоғистоннинг Олма-Ота шаҳридаги ва Республикадаги илмий-амалий анжуманларда маърузалар ўқиш, илмий журнал ва тўпламларда мақолалар чоп этиш, умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар, педагогика олийгоҳлари учун ўқув қўлланмалар, таълимнинг барча босқичлари учун маълумотномалар, илмий-оммабоп ўқув адабиётлари яратиш ва чоп этиш орқали амалиётга жорий қилинди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш, маънавий-маърифий муаммоларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қаралиши ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси эканлиги.

Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялашнинг моҳияти, мазкур муаммонинг мезон кўрсаткичлари.

Педагогик диагностика ва коррекциялаш бўйича яратилган ўқув адабиётлар мажмуаси ва уларнинг самарадорлик даражаси.

Таълим босқичларида ёшларнинг умумий тарбияланганлик даражасини ташхислаш ва коррекциялашда намоён бўлган узилишнинг илмий таҳлили;

Замонавий технологияларга асосланган дарс ва дарсдан ташқари тадбирларнинг мажмуаси;

Таълим босқичлариаро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ўқув дастурлари ва адабиётларини чоп этиш.

Диссертациянинг тузилиши . Диссертация кириш, 3 боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жадваллар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 330 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби **«Ўспиринларни тарбияланганлик даражасини диагностика қилишнинг назарий асослари»** деб номланиб, унда ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган таълим-тарбия

жараёнида педагогик диагностика ва коррекция моҳияти, ривожланиш тарихи, функциялари, методлари, замонавий илмий-услубий адабиётларда уларга берилган шарҳларнинг умумий тавсифи келтирилган. Ўспиринларнинг ижтимоий хулқини диагностика қилиш йўналишлари ва тартиби, ички қонуниятлари, замонавий диагностик методикалар, узлуксиз таълим тизими қатнашчиларининг тарбияланганлик даражасини ташҳислаш учун амал қилиниши лозим бўлган таълим-тарбия механизмлари тўғрисида педагог-психолог, ахлоқшунос, сиёсатшунос олимларнинг илмий қарашлари баён этилган.

Ушбу бобда жамият эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ўспиринлик давридаги ёшларнинг шахсига ҳамоҳанг тарзда ташкил қилиниши лозим бўлган педагогик диагностиканининг шарт-шароитлари, умумий хусусиятлари ёритилган.

Илмий назариялар билан амалдаги методикаларнинг ўйғунлиги таҳлил қилинади. Педагогик диагностика ўтказиш йўллари ва кенг қўлланиладиган методлари, босқичлари, таълим-тарбия жараёнида ўлчаш ва шкалалашнинг асосий муаммолари, ўлчовнинг методик сифатловчи талаблари, ташҳислашда илмий кузатиш ва унинг турлари тўғрисида фикр баён этилади.

Мустақил давлатимизнинг таянчи ва келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришда, мустақиллик мафкурасини уларнинг онгига сингдиришда, ижтимоий фаоллигини ўстиришда, жамиятимизга ёт, зарарли ғоялардан уларни авайлаб-асрашимизда ўспиринлик даври ўзига хос бўлган хусусиятларга эғалиги билан ажралиб туради.

Ўспиринлик даври 15-25 ёшларни ўз ичига қамраб олади. Илк ўспиринлик босқичи 15-17, ўрта ўспиринлик босқичи 17-22 ва кечки ўспиринлик босқичи 22-25 ёшдаги даврларни ўзида мужассамлаштиради.

Таълим-тарбия жараёнида қандай инсонни тарбия қилиш даркор, тарбия натижасида инсон қандай бўлиши керак, деган саволларни аввалдан тасаввур этиш зарур. Бунда **педагогик диагностика** катта аҳамиятни касб этади. Бу жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек мақсадига мос келиши керак.

Диагностика- (юнон тилида «диа»- шаффоф, «гнозис»-билим деган маънони билдиради) ўрганилаётган объект ёки жараён тўғрисида аниқ маълумот олишнинг умумий воситаси бўлиб хизмат қилади.

«Педагогик диагностика» атамаси биринчи бор 1968 йили немис олими Карлхайнц Ингенкамп томонидан фанга киритилди.

Педагогик, психологик, социологик адабиётлар таҳлили диагностикага турли қарашлар мавжудлигини кўрсатди. Бу педагог шахсининг диагностикаси (ўз-ўзини ташҳислаш), ота-оналар, педагоглар томонидан ўқувчилар жамоасини ташҳислаш; маъмурият, мутасадди мутахассислар ва таълим бўлимлари услубиётчилари томонидан ўқув даргоҳининг фаолиятини ташҳислаш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Бугунги кунда «педагогик диагностика» атамасининг бир неча талқинлари мавжуд бўлиб, улар мазмун-моҳиятига кўра хилма-хилдир.

Бир қатор тадқиқотчи олимлар (Г. Ройлеке, Р. Роллет, К. Леонгард, А. Басс, А. Е. Личко, А. Шмелев) **педагогик диагностикани**: «Педагогик фаолиятни оптималлаштиришда, қулайлаштиришда зарур бўлган ахборотни қўлга киритиш жараёни»¹, -деб таъкидлайдилар.

Х. Фегер, Н. Петиллон, В. Богацкий педагогик диагностикани психологик диагностикадан ажралиб чиққан, деган фикрни илгари суришади.

Я. Йирасек, А. Керн ёшларнинг билим олишга мойилликларини аниқловчи ориентацион тестлари, Д. Б. Элькониннинг «График диктант»и, А. Л. Венгернинг «Нуқталар бўйича чизиш», И. Шванцарнинг «Ақлий ривожланишни диагностика қилиш», В. В. Холмовскаянинг «Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қобилиятларини ташҳислаш» каби методикалари машҳурдир.

Рус олими В. И. Зверев: »Педагогик диагностика-бу турли педагогик вазиятларни ўрганиш, аниқлаш, таълим тизими қатнашчиларининг хилма-хил қобилиятлари даражасини билишдан иборат жараён»¹, -деган фикрни илгари суради. Бошқа рус олимаси Л. Денякина: «Педагогик диагностика-бу педагогнинг ўқув- тарбиявий жараёнини ташҳислашда индивидуал-малакавий сифатларини белгиловчи, шахснинг ижодий тараққий топишида кўмакчи, педагогик жамоанинг муваффақиятини оширувчи фаолиятдир»², -деб ёзади.

Барча тавсифларни умумлаштириб, қуйидагича фикр билдиришни жоиз деб ўйлаймиз: **педагогик диагностика**-педагог шахсининг ва у билан

¹ Feger H. Unterrichtsklima. Weinheim Beltz :1993 ,78-р.

² Денякина Л. И. педагогическая диагностика как движущая сила учебного процесса,-М.. 2003, 78 с.

мулоқотга киришувчиларнинг педагогик тизим натижаларини таҳлил қилиш ва тавсиялар бериш жараёни.

Педагогик диагностика биринчидан, индивидуал таълим жараёнини оптималлаштириши, *иккинчидан*, жамият талабидан келиб чиқиб, таълим-тарбия натижаларини тўғри аниқлашни таъминлаши, *учинчидан*, ўзига хос таълим йўналиши ва мутахассисликни тўғри танлашга ёрдам бериши керак. «Педагогик диагностика ёрдамида маънавий-маърифий жараён таҳлил қилинади ва таълим-тарбия натижалари аниқланади.

Ташҳислашда нафақат таълим-тарбия натижаларини сарҳисоб қилиш, балки уларнинг ўзгариш динамикасини ҳам назарда тутиш лозим» (19,41).

Диагностика ўз ичига назорат, текширув, баҳолаш, статистик маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, динамикани кўрсатиш, воқеаларнинг кейинги ривожини башорат қилиш кабиларни қамраб олади.

Педагогик омилларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида шахсга социологик, экологик ва ижтимоий-психологик таъсир кўрсатиши ҳақидаги ахборотлар мажмуи.

Педагогик диагностика ўз моҳиятига кўра коррекцион тадбирларни назарда тутди.

«Коррекция- ҳаётий чекинишларга учраган ёшлар билан олиб бориладиган аниқ фаолиятдир ¹, -деб таъкидлайди ўзбек олими М. Қуронов.

Бир қатор олимлар: (Р.С. Немов, Д. В. Ольшанский Г. Бройер, Г. Маттес) **«Педагогик коррекция-**тарбия жараёнида ёшларнинг маънавий-маърифий соҳалардаги олдиндан йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш жараёнидир»², -деб ҳисоблайдилар.

Фикримизча, **коррекциялаш** жараёни-ёшларнинг онгига, ҳис-туйғуларига таъсир этувчи ва турли ижобий қобилиятларини шакллантирувчи фаолият туридир.

Коррекциялаш таъсирида ўқувчи-ёшларнинг ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлари тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади ва шу билан биргаликда тарбия масалалари амалга оширилади.

¹ Қуронов М.Ў. Ижтимоий Педагогика,-Т.,2003,34 б.

² Немов Р. С. Практическая психология.-М.: Владос,2003, 79

Коррекция жараёнида ёшларда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга эришиш учун ёшларнинг **онгига** (таълим жараёнида), **ҳиссиётига** (дарсда ва синфдан ташқари ишларда), **иродасига** (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнида) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади.

*Педагогик диагностика ва коррекция*__жараёнида ҳам булардан бирортаси (тафаккури, онги, ҳиссиёти, иродаси, қарашлари) эътибордан четта қолса, мақсадга эришиш қийинлашади.

Диссертациянинг *«Ўзлуксиз таълим босқичларида педагогик диагностика ва коррекциялашнинг назарий-методик асослари»* деб номланган иккинчи бобида ўспиринликнинг учала ривожланиш босқичларида педагогик диагностика ва коррекциянинг тарбиявий функцияси, ўспиринлар жамоасини таркиб топтириш ва жипслаштириш йўллари, гуруҳда ижобий анъаналарни қарор топтириш, ўқув даргоҳларида тарбиявий тадбирларни ўтказишда педагогик диагностика ва коррекциялашнинг ўрни, педагогик ташҳис қилишда ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида батафсил фикр юритилган. Мазкур бобда ўспирин ёшидаги ўқувчи-талабалар билан тарбиявий ишларни олиб бориш моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг рухий камолотидаги нуқсонларни коррекциялаш йўллари, ёшларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилишда оила ташҳисининг ўрни, оиланинг маҳалла билан олиб борадиган ижтимоий-педагогик фаолияти, олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида педагогик ташҳислаш ва коррекциялаш йўллари, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳар томонлама уйғун, баркамол шахсни шакллантиришга ва бу борада таъсирчан механизмларни, янгича тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини яратишга қаратилган тадбирлар тўғрисида фикр билдирилган.

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан (улар хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлишидан қатъи назар) мулоқотга киришиш учун муҳим имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етуклик(камолот) шахсдан зарур ақлий қобилиятни ҳамда ижтимоий турмушда бажариладиган турли ролларни эгаллашга (оила қуришга), фарзандларни тарбиялашга, фойдали меҳнатда қатнашишга(масъул вазифада ишлашга) тайёрланишни талаб қилади.

Мазкур жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари: *ўрта маълумотлилиқ, жамоатчилиқ топириқлари, меҳнатда фаоллиқ кўрсатиши, қонунлар олдида жавобгарлиқ, мутахассис бўлиши имконияти, унга интилиши туйғуси, иродавий камолотга эришиши, ёш оталиқ ва оналиқ бурчи, ижтимоий гуруҳга раҳбарлиқ қилиши, спорт билан шугулланиши, бўш вақтни ташкил эта олиши, тўғарақларда қатнашиши* ва бошқалардан иборат.

Талабалиқ даври ўспиринлиқнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, **17-22 ёш**ни ўз ичига олади ва ўзининг бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршилиқлари билан тавсифланади. Шу боисдан талабалиқ даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашдан бошланади. Мазкур паллада ўспирин ўзига хос руҳий инқироз ёки танглиқни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қарама-қаршилиқларни келтириб чиқаради.

Олий таълим тизимида педагогик диагностика ва коррекциялашнинг асосий вазифаси: *талабаларни мустақил билим олишга, ўз фаолиятини ўзи ташкил қилишга, ўзини ўзи бошқаришга, янги ҳояларни ишлаб чиқишга ўргатиши, ҳуққнинг энг муҳим сифатлари-мустақиллиқ, ташаббускорлиқ топқирлиқ, фаросатлилиқни ўстиришга ёрдам беради.*

Ўспиринни педагогик диагностика қилишда шахснинг келажакда бажарадиган меҳнат фаолиятини муайян мақсадга йўналтиришга асос бўладиган таъсирлар, унинг миллий турмуш тарзига мослашишини таъминловчи педагогик воситалар ва ҳуққда намоён бўладиган айрим салбий қусурларни бартараф этиш учун зарур бўладиган методлардан оқилона фойдаланишни ҳамда ёшларнинг ақлий, маънавий, ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий, бадий-эстетик тафакқурини ривожлантириб боришнинг йўл, усул, восита ва методларини тадқиқ этиб, қуйидаги коррекцион муолажаларга эътиборни қаратиш лозим(1-расм):

Коррекция таъсири

Ахлоқий тарбия	Интеллектуал ривожланиш	Ҳиссий-иродавий муҳит
----------------	-------------------------	-----------------------

Тарбиячи, педагоглар	Педагоглар ва психологлар	Педагоглар, психологлар, шифокорлар
Ижтимоий педагог		Саломатлик ўқитувчилари
Муҳит, оила, теварак-атрофдагилар		

1-расм

Ёшларда ижобий хислатларни шакллантириш, уларнинг соғлом иродали бўлишлари учун тарбиявий тадбирларни ёш хусусиятларига мос равишда бир қатор босқичларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир(2-расм).

Ёшларда ижобий сифатларни шакллантирувчи босқичлар

I босқич	Иродавий сифатларни шакллантириш
II босқич	Ўз-ўзига танқидий ёндашиш қислатларини шакллантириш
III босқич	Ўз-ўзини тарбиялаш, ҳулфдаги нуқсонларни аниқлай олиш ва уларни коррекциялаш
IV босқич	Эқтиёж ва мотивларни ўз-ўзини ижобий тарбиялашга қаратиш
V босқич	Ижобий орзу-истакларнинг ушалишига маъсадли ёндашиш

2-расм


Тадқиқотлардан шу нарсани аниқландики, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни махсус раҳбарлик қилишни талаб этади. Ёшларнинг тасодифий ҳоллар, кўчадагиларнинг бемаъни таъсири, катталарнинг ярамас хатти-ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий тушунчалари ва жамоа

томонидан тўғри ғоявий раҳбарлик қилинмаса, хато, нотўғри, бузук тушунчаларга айланиб қолиши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **»Ўспиринлар хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш методикаси»** деб номланади. Унда ўспиринларнинг маънавий киёфасини ўрганиш методлари ва коррекциялаш тизими, ўқитиш жараёнида илк, ўрта ва кейинги босқич давридаги ўспиринларнинг хулқ-атворини коррекциялаш омиллари, олий таълим тизимида ташхислаш ва коррекциялаш методикаси: мазмун, шакл ва йўллари, тажриба-тадқиқот ишлари, уларнинг динамикаси ва натижалари, диагностика истиқболлари, тавсия этилаётган методиканинг самаралари ҳақида батафсил баён қилинади.

Тажриба-тадқиқот ишлари 2000-2004 йилларда Навоий давлат педагогика ҳамда кончилик институтларининг 1228; Самарқанд давлат педагогика университетида 138; Тошкент давлат педагогика университетида 344 талаба иштирок этишди. Олий ўқув юртларида таҳсил олувчи ёшлар: 1710 талаба ҳамда Навоий вилоятининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 956 ўқувчилари катнашди. Жами тадқиқотларда 2669 ўспирин йигит- қизлар иштирок этишди.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар муассасалари, олий таълим тизимида тарбиявий коррекциялаш ишларини Тимоти-Лири методикаларига таяниб амалга оширдик. Тадқиқот жараёнида 16-17-20 ёшли ўрта махсус ва касб ҳунар муассасалари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари катнашди. Тренинглар натижасида ўспиринларнинг қуйидагича мотивацион эҳтиёж ва маънавий-маърифий таркибдаги ҳалқаси аниқланди(3-расм).



2003-2004 йиллар умумлаштириш босқичида педагогик диагностика ва коррекциянинг шакл ва методлари ҳозирги кун нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Ёшлар хулқидаги нуқсонларни бартараф қилиш учун турли коррекцион методлардан, жумладан: **ижтимоий онгни шакллантирувчи услублар**; фаолият жараёнида ижтимоий онгни ва **тажрибаларни шакллантириш услублари**; **ўз-ўзини тарбиялаш услублари**; **рағбатлантириш ва жазолаш** услубларидан ҳам фойдаланилди.

Айниқса мафкуравий полигонларда ёшлар онги ва қалби учун кураш кескинлашган бир пайтда педагогик диагностика ва коррекциялашнинг аҳамияти, ўтказилган ҳар бир тренингнинг ўрни беқиёс эканлиги билинди.

Ўтказилган тадқиқотлар ишончилигини аниқлаш учун биринчи туркумга мансуб-Макнамара, ишоралар ва Вилкоксон мезонлари боғлиқ танланмалар, иккинчи туркум-медиана, Вилкоксон-Манн-Уитни, хи-квадрат ва Колмогоров-Смирнов критерийлари боғлиқмас танланмалари қўлланилди.

Узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг тарбияланганлик даражаси ўтказилган кузатишларнинг натижалари орасидаги фарқни ифодаловчи S катталик асосида киритилди. Бу катталикни тадқиқотимизда мезон статистикаси деб атадик.

Тадқиқот илгари сурилган педагогик фараз асосида олиб борилди.

Текширилиши лозим бўлган бошланғич фараз, яъни ўқувчи-ёшларнинг хулқидаги нуқсонларни бартараф этиш кўп жиҳатдан улардаги маънавий-маърифий билимлари кенгайтирилганда амалга оширилишидан иборат. Бошланғич фараз сифатида одатда «ўрганилаётган танланмаларнинг натижаларидаги фарқ тасодифий сабаблар билан изоҳланди» ва фаразimiz тўғри эканлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз мобайнида ёшларнинг тарбияланганлик даражаси уларнинг умумий маданий савиясини ўстириш асосида шакллантирилди.

Агар тажриба-тадқиқот бошида ўқувчи-ёшларнинг тарбияланганлик даражаси қўйидаги жадвалдагича бўлган бўлса тажриба тадқиқотимизнинг охирига бориб бу кўрсаткичлар юқори даражага эга эканлиги билан асосланди (1-,2-жадваллар).

15-17 ёшли ўспиринларнинг умумий ва хусусий тарбияланганлик даражасини баҳолаш мезонлари

1-жадвал

Ахлоқ нормаларини эгаллаган-лик ва уларни ўзлаштиришга бўлган тайёргарлик мезонлари ва кўрсаткичлари	15-17 ёшлилар					
	Тажриба- тадқиқот синов					
	пас т	ўрт а	Юқор и	пас т	ўрт а	юқор и
Ахлоқ нормаларига мос бўлган сифатлар	31	34	31	36	30	30
Умумий ва хусусий	35	30	45	25	40	35

тарбияланганлик даражаси						
Ижтимоий хулқ нормалари ҳақида умумий ва алоҳида тасаввурлар	45	19	36	43	35	32
Миллий қадриятлар, удумлар асосида тарбияланганлик даражаси	24	33	43	32	35	33
Интеллектуал, маънавий-маърифий ривожланишлари	51	55	42	40	2	9

18-19 ёшли ўспиринларнинг умумий ва хусусий тарбияланганлик даражасини баҳолаш мезонлари

2-жадвал

Ахлоқ нормаларини эгаллаган-лик ва уларни ўзлаштиришга бўлган тайёргарлик мезонлари ва кўрсаткичлари	15-17ёшлилар					
	Тажриба- тадқиқот синов					
	пас т	ўрт а	Юқор и	пас т	ўрт а	юқор и
Ахлоқ нормаларига мос бўлган сифатлар	29	30	41	36	30	30
Умумий ва хусусий тарбияланганлик даражаси	45	25	45	25	40	35
Ижтимоий хулқ нормалари ҳақида умумий ва алоҳида тасаввурлар	39	30	31	43	35	32
Миллий қадриятлар, удумлар асосида тарбияланганлик даражаси	14	46	40	32	35	33
Интеллектуал, маънавий-маърифий ривожланишлари	35	35	25	40	2	9

Ўқувчи-талабаларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатнинг ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилишни тарбиялашга қаратилган топшириқлардан унумли фойдаланиш самарали натижаларни беришининг гувоҳи бўлдик.

Статистик фаразни текшириш хи-квадрат критерийси асосида олиб борилди. $B+C^ = 22$ бўлганда, критерий статистикаси қилиб $S2 = \min(b, c)$ белгиланди. Критерий статистикасининг қиймати:*

$$S1 = (d - c2) / b + c = (6 - 17) / 2 + 17 = 121 / 23 = 5.26 \quad (6)$$

Аҳамиятлилиқ даражаси учун $\alpha = 0,05$ қийматини танлаб олганда, Хи-квадрат тақсимот жадвали Γ дан критерий статистикасининг шу қийматга мос келган критик қиймати:

$$X^2_{кр} = 3,84 \quad (7)$$

Мюнстенберг корреляцион методикаси бўйича критерий статистикасининг юқорида топилган $S1=5,26$ қиймати (7) қийматдан катта бўлгани учун қабул қилинган $\alpha=0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида қўлланилган педагогик диагностикага оид методлари самарали эканлиги келиб чиқади.

Хи-квадрат критерийсини қўллашда талабалар сони мос равишда $N^1=35$ ва $N^2=50$, $N^3=75$, $N^4=100$ бўлган тўртта қисм-гуруҳлар танлаб олинди. Бу гуруҳларда тўртала гуруҳда ҳам таълим-тарбия жараёнида танлаб олинган мавзу бўйича назорат ишлари ўтказилгач, уларнинг натижалари тўрт баллик («Ўрта», «Салбий», «Ижобий», «Юқори») тизим асосида баҳоланди. ($c=4$) Бунда ҳар бир қисм-гуруҳдаги талаба-ёшлар қўлга киритган балларига қараб яна тўрт гуруҳга бўлинди. Бу қисм-гуруҳларидаги талабалар сонини N_{ij} билан белгиладик ($i=1,2,3,4$; $j=1,2,3,4,5$). Бу ерда i -қисм-гуруҳнинг номери, j -шу қисм-гуруҳидаги қисм-гуруҳчанинг номери. Баҳолаш натижалари қўйидагича бўлсин:

3-жадвал

N_{i1}	N_{i2}	N_{i3}	N_{i4}
N_{1j}	14	8	13
N_{2j}	14	21	15
N_{3j}	26	24	25
N_{4j}	24	26	50

Жадвалдан фойдаланиб, критерий статистикасининг кузатилган қийматини ҳисоблаймиз:

Бу қиймат критерий статистикасининг $\alpha=0,05$ аҳамиятлилиқ даражасидаги (7) критик қийматидан катта бўлгани учун хи-квадрат критерийсидан шу аҳамиятлилиқ даражасида тадқиқот иши натижаларининг самарали эканлиги, яъни тадқиқот ишида қабул қилинган илмий фаразнинг ҳаққонийлиги келиб чиқади.

Тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун олинган танланмалар, объектларнинг дастлабки объектив хусусият ва хоссаларининг имкони борича бир хиллигига эришилди. Бунга турдош олий ўқув юртидаги ёшлардан иборат танламаларни тузиш орқали эришдик. Қўйидаги (4) жадвалда бешта турдош олий ўқув юртларининг талабаларининг тарбияланганлик даражасини

диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш кўрсаткичлари келтирилган.

**Талабаларнинг тарбияланганлик даражасини ташҳислаш ва
ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш кўрсаткичлари**

4-жадвал

гуруҳлар		Ўтказилган вақти	Тарбияланганлик даражалари			
			Юқори	Ўрта	Паст	салбий
НавДПИ	Назорат	Тажриба боши	24	31	34	6
		Тажриба охири	27	33	29	6
	Тажриба	Тажриба боши	24	31	34	6
		Тажриба охири	48	33	22	2
ТДПУ	Назорат	Тажриба боши	25	30	33	5
		Тажриба охири	28	32	30	5
	Тажриба	Тажриба боши	75	33	28	5
		Тажриба охири	89,9	38	6	3
СамДЧТИ	Назорат	Тажриба боши	30	46	16	8
		Тажриба охири	46	35	12	7
	Тажриба	Тажриба боши	33	35	19	13
		Тажриба охири	61	22	5	2
СамДУ	Назорат	Тажриба боши	30	32	6	7
		Тажриба охири	45	38	5	6
	Тажриба	Тажриба боши	30	32	6	8
		Тажриба охири	67	28	3	4

Жадвалдан кўриниб турибдики, турдош олий таълим муассасалари талабаларининг тарбияланганлик даражалари тажриба гуруҳларида сезиларли даражада ошган. Масалан, Навоий давлат педагогика институтида юқори даражали кўрсаткичга эга бўлган талабалар тажриба-синов бошида 24 фоизни, тажриба-синов охирида 48,7ни ташкил этди.

Демак, назорат гуруҳида юқори даражада кўрсаткич тажриба-синов якунида 56фоизни, тажриба-гуруҳида эса 96 фоизни ташкил этди. Яъни, тажриба гуруҳлари талабаларининг тарбияланганлик даражаси деярли 1,5 хисса ортиқ кўрсаткичга эга. Шунингдек, СамДУда бу кўрсаткич 86 фоиз ва 98 фоиз, ТДПУда 75,8 фоиз ва 89,9 фоизни ташкил этди. Юқори кўрсаткич бўйича ўсиш даражаси ўртасидаги тафовут 17 фоизни ташкил этди.

Тадқиқот давомида режа асосида, тизимли ва мақсадли олиб борилган педагогик диагностика ва коррекция туфайли ёшларнинг хулқидаги нуқсонлар(ёлғончилик, қатъиятсизлик, агрессивлик кабилар)ни бартараф қилишга эришилди. Жами тадқиқотда қатнашган 2 663ёшлар(1710- олий таълим муассасалари талабалари ва 953 киши академик лицей ва касб-хунар коллеж ўқувчи-талабалари билан тарбиявий тадбирлар олиб бориш натижасида соғлом фикрли, ахлоқий нормаларга риоя қилувчи, қатъиятли, шижоаткор, принципиал шахсларни ривожлантиришга эришилди.

Тадқиқотда қатнашган ёшларнинг тарбияланганлик даражасини ташхислашда ёшига оид қиёсий таҳлили ўтказилди. Уларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга, мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга, уларнинг ўзлигини англашга, ватанпарварликни, миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни, толерантликни шакллантиришга ҳамда комил инсонга хос бўлган фазилатларни: софдиллик, тўғрисиўзлик, адолатпарварлик, саховатлилик, ор-номуслик, тантилик кабиларни таркиб топтиришга эришилди.

Жамиятимиздаги ёшларни маънан бой, хур фикрли, кучли билимдон соҳиблари қилиб тарбиялаш ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидларига ҳамоҳангдир.

Ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик, девиант хулқилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби жамиятимизга ёт иллатлардан асраб-авайлашимиз учун тизимли тарбиявий методикалардан фойдаланишимиз лозим.

Методик ишлар талабаларнинг умумий тарбияланганлик даражаси (назарий, методик савияси) барча қирраларини қамраб олиши ва унинг малакасини узлуксиз такомиллашиб боришига хизмат қилмоғи керак. Яъни методик хизматда талабанинг касбий малакасининг барча фазилатлари яхлит мужассам объект сифатида тадқиқ қилинади. Шу асосда коррекцион ва ривожлантирувчи тадбирлар белгиланиб амалга оширилади. Демак, методик ишларда асосий мезон талабаларнинг касбий билим, кўникма ва

малакаларининг такомиллашуви, маданий савиясининг ўсишида уларга аниқ фаол ёрдам бериш, пировард натижада таълим-тарбия самарадорлигини оширишдир.

Методик хизмат тизимида диагностика ишлари ана шу бош мезон нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда амалга оширилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари суришга имконият беради:

1. Жамиятимиздаги ёшларда тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ўта долзарб муаммолардан биридир;

2. Республикамизда маънавий-маърифий ишларнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, таълим-тарбиявий босқичлариаро унинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлайдиган педагогик диагностика ва коррекциялаш методикасининг яратилиши, тадқиқот муаммосининг педагогик ва методик ечимини топишга замин яратди;

3. Ёшларнинг ахлоқий категорияларни англашлари, идрок қилишлари ва ижтимоий ҳаётда амал қилишлари учун педагогик таъсир кўрсатиш тарбия мақсадининг кафолатлаган натижасидир. Бу эса ўз навбатида мустақиллигимизни қадрлай оладиган, ўзлигини, жамият, давлат ва оила олдидаги масъулиятни англайдиган етук шахсларни шакллантириш каби вазифалар билан боғлиқ жараёндир;

4. Узлуксиз таълим тизимида диагностик ва коррекцион жиҳатдан фойдали, самарали дидактик таъминотларни тузиш ва амалга тадбиқ қилишни давр тақозо этади. Шу билан бир қаторда ўқув муассасаларининг ўзида (имкониятлардан келиб чиққан ҳолда) педагогик диагностика ва педагогик коррекция марказларини ташкил қилиш ва амалий фаолият юритишларига эришиш; педагогик диагностика ва коррекция жараёни учун зарур бўлган дидактик таъминотларнинг башоратини ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланилди.

Талаба-ёшларнинг тарбияланганлигини диагностика қилиш ва ҳулкидаги нуқсонларни коррекциялаш тадқиқот фаразидан келиб чиққан ҳолда қаралди. Бу жараённинг самарадорлигини оширувчи қуйидаги тамойиллар аниқланди ва жорий қилинди:

- ўқувчи-ёшлар, ота-оналарнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ўрганилди;
- гуруҳ жамоаларидаги педагогик вазият таҳлил қилинди;

ёшларнинг мотивацияси, қизиқишларини инобатга олган ҳолда ахлоқий фазилатлар: *тўғрисиўзлик, софдиллик, меҳрибонлик, қатъиятlilik, ҳалоллик, камтаринлик* кабиларни шакллантириш тизими ишлаб чиқилди ва уларни ўзлаштириш даражаси текширилиши таъминланди.

Ўтказилган педагогик коррекциялаш натижасида ўспиринларда қуйидаги ҳислатларни қарор топтиришга муваффақ бўлдик:

1. Жамиятга, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш. Бу хилдаги муносабатлар шахснинг ватанпарварлиги, фуқаро етуқлиги, байналминаллик каби фазилатларида акс этди, унинг мақсадларида Ватан бойликларини кўпайтириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлмоқда. Республикамизнинг бир қанча вилоятларида биз тавсия этган методика бўйича ўтказилган педагогик диагностика ва коррекциялаш натижасида ўқиш, меҳнат ва ҳарбий фаолиятида ижобий ўзгаришларни бошидан кечираётган ёшлардан келаётган мактублар, маълумотлар бунга мисол бўла олади.
2. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш. Бу ахлоқий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоён бўладиган юксак онгида, меҳнатнинг ҳаётдаги ролини англашида, хусусий ва жамоа меҳнатига тайёрлик, меҳнатсеварликда ифодаланмоқда.
3. Тажриба гуруҳи талабаларида ўзига, ўз ҳуқуқига ахлоқий муносабатни тарбиялашлари эвазига жамоатчилик, кўпчилик манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйиш каби ҳислатларни ўстиришга эришилди.

ТАВСИЯЛАР

Ўспириннинг умумий тарбияланганлик ва маданият даражасини ўстириш қуйидаги ҳолларда ижобий кечади:

- ҳиссий оламини кенгайтириш орқали интеллектуал жиҳатдан ўсишини таъминлаш;
- интеллектуал жиҳатдан ўсиши орқали ҳуқуқдаги нуқсонларни бартараф этишга эришиш;
- ахлоқий фазилатларни камол топтиришга қаратилган комплекс топшириқлардан фойдаланиш;

-Ёшларда таҳдид ва стресс вазиятида кадриятларини ўзгартирмасликка ўргатувчи методик мажмуалар ишлаб чиқилиши, сабр ва ирода, ғайратлилик ва матонатлиликни тарбияловчи ўқув-оммабоп электрон дарсликларни яратиш зарур.

-Ўзлуксиз таълим тизимидаги барча даргоҳларда тарбияланганлик даражасини диагностика қиладиган марказлар ташкил қилиниб, ишонч почталари, «хуфя дастурлар» асосида иш олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Педагогик диагностика ва коррекциянинг истиқболдаги ҳолати малакали тьюторлар (Интернет тармоқларида ишлайдиган малакали ўқитувчи-мутахассислар) ёрдамида масофавий педагогик диагностика ва коррекция муолажаларини ўтказиш мумкинлигини исботлайди.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қуйидаги ишларида ёритилган:

Монография, дарслик, ўқув қўлланмалар

1. Абдуллаева Ш. А. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва ҳуққидаги нуқсонларни коррекциялаш. Монография.- Т.:»Фан», 2005, 248 б.
2. Абдуллаева Ш. А. Учебник по русской литературе (для 5классов).- Т.:Ўзбекистон,2001,425 с.(ҳаммуаллифликда).
3. Абдуллаева Ш. А. Русская литература. пособие для учителя.- Т.:Ўзбекистон,2001,108б.(ҳаммуаллифликда).
4. Абдуллаева Ш. А., Ибрагимов Х. И. Педагогика. Ўқув қўлланма.- Т.:»Фан»,2004,196 б.
5. Абдуллаева Ш. А. Педагогика. Экспресс-маълумотнома. Ўқув қўлланма. Т., «Фан», 2005. 288б
6. Абдуллаева Ш. А. Педагогикадан амалий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланма.-Н.,2003,54 б.
6. Абдуллаева Ш. А., Ахмедова Р. Ж. Основы педагогических технологий. Ўқув-услубий қўлланма.-Н.,2004,88б.
7. Абдуллаева Ш. А. Тарбиявий ишлар методикаси фанидан битирув малакавий ишини бажаришга оид услубий тавсиялар.-Н,2003,36б.

Илмий-методик журналлар ва илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар

1. Абдуллаева Ш.А. Последовательные этапы работы над художественным текстом // Ж. Преподавание языка и литературы 1999,№1,46-50 б.

2. Абдуллаева Ш. А. Ижодий ва мантикий фикрлаш-соғлом маънавият ва эътиқодни тарбиялаш омили // Ж. Педагогик маҳорат, 2002, №3, 20-23 б.
3. Абдуллаева Ш.А., Т. Нурмуродов Масофавий ўқитиш ва дидактик таъминот. // Ж. Педагогик маҳорат, №2, 31-36 б.
4. Абдуллаева Ш. А. Ўқитиш жараёнида компьютерли ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш. // Ж. Педагогик маҳорат, 2002, №3, 28-31 б.
5. Абдуллаева Ш. А. Совесть как этическая категория, высшая форма нравственного воспитания личности. // Ж. Педагогик маҳорат, 2002, №4, 34-37
6. Абдуллаева Ш. А. Поэтапная самостоятельная работа студентов в процессе непрерывного образования. // Proceedings of the LogMan Summer Shool on Effective Learning environment. September 15, 2004 Colden Sands, Varna, Bulgaria. 2004. p.16-18
7. Абдуллаева Ш. А. Factor of interactive interaction in the educational process Proceedings of the LogMan Summer Shool on Effective Learning environment. September 15, 2004 Colden Sands, Varna, Bulgaria. 2004, 30-31
8. Абдуллаева Ш. А. Самостоятельная работа студентов в процессе непрерывного образования. Proceedings of the LogMan Summer Shool on Effective Learning environment. September 15, 2004 Colden Sands, Varna, Bulgaria. 2004. 25-26
9. Абдуллаева Ш. А. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини педагогик таҳқиқлаш. // Ж. «Халқ таълими», 2004 й, 3-сон, 41-43 б.
10. Абдуллаева Ш. А. Ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида педагогик таҳқиқлаш йўллари // Ж. Халқ таълими, 2004, №6, 28-32 б. (хаммуаллифликда)
11. Абдуллаева Ш. А. Ўқувчи-ёшларни тарбияланганлик даражасини таҳқиқлаш асослари // Ж. Халқ таълими, 2005, 7-9 б.
12. Абдуллаева Ш. А. Ўспиринларни диагностика қилиш ва ҳуқидаги нуқсонларни коррекциялаш тизими // Ж. Педагогик маҳорат, 2005, №2, 31-34 б.
13. Абдуллаева Ш. А. Тарбия муассасаларида педагогик диагностика ва коррекция // Халқ педагогикасида оилавий тарбия ҳақидаги тасаввурларнинг ифодаланиши. ЎзПФТИ. Илмий ишлар тўплами, 2005, 134-140 б.
14. Абдуллаева Ш. А. Ўспиринларнинг ҳуқидаги нуқсонларни коррекциялаш масалалари // Ж. Халқ таълими, 2005, №4, 7-12 б.

Илмий конференцияларда қилинган маърузалар

1. Абдуллаева Ш. А. Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик диагностика ўтказиш йўллари «Давлат тили ва умуминсоний кадриятлар» мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. Навоий, 2004, 79-81
2. Абдуллаева Ш. А. Индивидуально-психологические детерминанты самостоятельной работы учащихся и студентов в процессе непрерывного образования. //»Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари». Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Тошкент 11-12 май, 2004 й., 49-50 б.
3. Абдуллаева Ш. А. Миллий истиқлол ғояси ва мафкура тарбиясида адабий таълимнинг роли // «Ёш истиқболли педагог ва илмий кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш муаммолари», -Тошкент, 27-28 май 2004 й., 27-29 б.
4. Абдуллаева Ш. А. Масофавий ўқитишда дидактик таъминот. // Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этишнинг услуб ва воситалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Навоий, 2004 й, 82-85 бетлар.
5. Абдуллаева Ш. А. Ўқувчиларда умуминсоний кадриятларни шакллантириш. «Давлат тили ва умуминсоний кадриятлар» мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. Навоий, 2004, 34-36
6. Абдуллаева Ш. А. Спортчиларнинг рухий ва жисмоний камолотга эришувида педагогик диагностиканинг ўрни // «Таълим тизимида спортни ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммолари», -Н., 23-25 б.
7. Абдуллаева Ш. А. Тестирование-как метод педагогической диагностики в системе непрерывного образования. //Материалы международной научно-практической конференции «Состояние и перспективы развития непрерывного профессионального образования в Казахстане», Алматы, 2005 г 30апреля, 44-45 стр.
8. Абдуллаева Ш. А. Организация учебного процесса на основе инновационной технологии// Материалы международной научно-практической конференции «Состояние и перспективы развития непрерывного профессионального образования в Казахстане», Алматы, 2005 г. 30апреля, 51-53 стр.
9. Абдуллаева Ш. А. Шахсининг маънавий қиёфасини коррекциялаш муаммоси // Замонавийлик контекстида педагогика Фани ва унинг методологик муаммолари» номли Республика илмий-назарий конференция материаллари. Тошкент, 2005й. 20-21-май, 57-58 б.

Педагогика фанлари доктори илмий даражасига талабгор
Ш. А. Абдуллаеванинг 13.00.01.- Педагогика назарияси ва тарихи
ихтисослиги бўйича «Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини
диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг педагогик
асослари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: педагогик диагностика, коррекция, метод, ўспиринлик даври, узлуксиз таълим, интеллектуаллик, мустақил фикрлаш, стереотип, тарбия, тарбияланганлик даражаси, маънавий сифатлар, ахлокийлик, маънавият ва маърифат, тизим, ҳис-туйғуларни ўстириш, эътиқодни шакллантириш, ахлоқ-одоб меъёрларини ўзлаштириш.

Тадқиқот объекти: Ўспиринларни диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш орқали уларда ахлоқий фазилатлар: меҳрибонлик, тўғрисиўзлик, адолатпарварлик, матонат, шижоаткорлик, хушмуомалалик ва шу каби ҳислатларни ўстириш жараёни.

Тадқиқот мақсади: ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш орқали уларнинг хулқини коррекциялаш йўллари, воситаларини аниқлаш.

Тадқиқот методлари: аналитик обзор, педагогик-психологик, суҳбат, кузатиш, қиёслаш, ёшлар жамоасини, таълим масканлари ҳужжатларини таҳлил қилиш, оилалардаги муҳитни аниқлаш, гуруҳлардаги микромуҳитни ўрганиш, сўровнома, тестлар, интервью, социометрия, эксперимент-тажриба, математик-статистик таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

1. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг шарт-шароитлари аниқланди, самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар белгиланди.
2. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш кўлами ва

унинг самарали натижаси экспериментал равишда тасдиқланди.

3. Ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг мазмуни, шакли, восита ва усуллари ҳамда уларнинг тизими такомиллаштирилди.
4. Ёшларни маънавий-маърифий тарбиялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар, ўқув қўлланмалар, маълумотномалар, дарсликлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Тадқиқот натижалари ижтимоий педагогика, оила педагогикаси соҳаларидаги билимларни бойитишга хизмат қилади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Педагогик ташҳислаш ва коррекциялаш марказлари фаолиятида, маҳаллаларда ва бевосита ўспиринлар тарбияси билан боғлиқ бўлган мутасадди ходимлари ва ижтимоий педагоглар фаолиятида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда унумли фойдаланилди ва таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этилди.

Қўлланиш соҳаси: олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотчи:

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдуллаевой Шахнозы Абдуллаевны на тему « Педагогические основы диагностирования уровня воспитанности и корректирования поведения обучающихся юношеского возраста» на соискание ученой степени доктора педагогических наук по специальности 13.00.01.-теория и история педагогики

Ключевые слова: педагогическая диагностика, коррекция, метод, юношеский возраст, непрерывное образование, интеллектуальность, самостоятельное мышление, стереотип, воспитание, воспитанность, моральные качества, нравственность, духовность, просветительство, система, формирование чувств, убеждений; овладение знаниями норм и правил поведения.

Объект исследования: процесс диагностирования уровня воспитанности средством корректирования поведения и формирования моральных качеств личности.

Цель исследования: разработка и научное обоснование педагогической диагностики и коррекции; выявление путей, принципов и связей социокоррекции интеллектуального потенциала и морального облика обучающихся юношеского возраста.

Методы исследования: беседа, наблюдение, анализ, синтез, шкалирование, тестирование, анкетирование, интервьюирование, социометрия, педагогический эксперимент, математическая статистика.

Полученные результаты и их новизна: уточнена и разработана целостная единая система педагогической диагностики и коррекции поведения на трех этапах юношеского возраста; научно обоснованы и экспериментально проверены критерии оценки уровня воспитанности юношеского коллектива.

Практическая значимость: результаты работы и сформулированные научно-методические рекомендации могут быть реализованы в деятельности педагогов, кураторов, родителей в процессе воспитания, а также могут быть использованы в педагогических центрах диагностирования и коррекции поведения.

Степень внедрения и экономическая эффективность: полученные результаты и разработанные научные-методические рекомендации внедрены в систему среднего и высшего образования, что способствовало повышению уровня воспитанности обучающихся юношеского возраста.

Область применения: академические лицеи, профессиональные колледжи, высшие учебные заведения.

